

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ
ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ

2024 йил 27 август куни, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: судья М.Мирзохидов, судлов ҳайъати судьялари: Н.Касимова ва О.Мухаммадиевдан иборат таркибда, судья ёрдамчиси Ш.Махмудовнинг котиблигида, тарафлардан: Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Р.Раджапов, судланувчи М.Мирвахидов ва унинг химоячиси – адвокат Б.Файзиёвнинг иштирокида, М.Мирвахидовга оид 1-1006-2402/549-сонли ишни судланувчи М.Мирвахидовнинг апелляция шикоятига асосан апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 03.07.2024 йилдаги ҳукмига кўра,

Мирвахидов Мирсобит Мирсолихович (MIRVAXIDOV MIRSOBIT MIRSOLIXOVICH), 11.12.1969 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, оилали, 2 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, лицензияли таксист, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 26.03.2001 йилдаги ҳукмига кўра ЖК 169-моддаси 4-қисми билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, Тошкент шаҳар судининг ажрими билан 8 йил озодликдан маҳрум қилинган, жазо 03.04.1999 йилдаги Амнистия актига кўра 1/3 қисмига қисқартирилган, жазони қолган қисмини ўташдан 2001 йил 21 октябрдаги қарор билан 28.08.2001 йилда Амнистия актининг 3-бандига кўра озод этилган,

2) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 05.06.2003 йилдаги ҳукмига кўра ЖК 273-моддаси 5-қисми билан 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган, жазо ўталган, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бектўпи МФЙ 3-уй 158-хонадонда яшаган, 25.03.2024 йилда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 27.03.2024 йилда “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 5-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони умумий тартибли колонияларида ўташ, жазони ўташ муддати 25.03.2024 йилдан бошлаб ҳисобланиши белгиланган. ЖК 96-моддасига асосан унга нисбатан жазони ўташ жойларида гиёҳвандликдан (гашиш, героин) мажбурий даволаниш



тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, 24.01.2024 йил соат 10:30да ўтказилган “назорат остига олиш” тезкор тадбири давомида, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Алгоритм даҳасида жойлашган 126-сонли мактаб ва 204-сонли мактабгача таълим ташкилоти орасида Ж.Мирзамуратов, М.Мирвахидов томонидан сотиш учун берилган гашиш гиёҳвандлик воситасини “шартли харидорга” 2.000.000 сўм эвазига сотиб ўтказган вақтида ашёвий далиллар билан бирга ушланган ва Ж.Мирзамуратовнинг ёни кўздан кечирилганда унинг эгнидаги курткиси ташқи ўнг чўнтагидан гугурт қутиси ичида бир дона юмалоқсимон шаклдаги ўткир хидли, тўқ жигар рангли, мумсимон кўринишидаги модда борлиги аниқланган ва ушбу моддалар ашёвий далил тариқасида олинган.

Тезкор тадбир давом эттирилиб, Чилонзор тумани Бектўпи маҳалласи 3-уй олдида тўхтаб турган, М.Мирвахидов бошқарувидаги “Кобальт” русумли, 01X520RB давлат рақам белгили автомашина ва унинг ёни кўздан кечирилганда М.Мирвахидовнинг эгнидаги шимининг орқа чўнтагидан бир дона полиэтилен бўлагига ўралган ўткир хидли, тўқ жигаррангли мумсимон кўринишидаги модда борлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинган.

Тезкор тадбир давомида М.Мирвахидов яшаш хонадони бўлган Чилонзор тумани, Бектўпи маҳалласи, 3-уй, 158-хонадондан “шартли харидор”дан олган 2.000.000 сўм пулларни ўз ихтиёри билан тақдим қилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий божхона лаборатория экспертизаси бўлимининг 30.01.2024 йилдаги 34(24)-сонли эксперт хулосасига кўра, экспертизага тақдим этилган 3,97 грамм бўлган икки дона пластина кўринишидаги ўткир хидли, ўсимликсимон модданинг таркибида “кариофиллен”, “каннабидиол” мавжуд бўлиб, келиб чиқишига кўра “гашиш” гиёҳвандлик моддаси эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий божхона лаборатория экспертизаси бўлимининг 30.01.2024 йилдаги 35(24)-сонли эксперт хулосасига кўра, экспертизага тақдим этилган 1 дона пластина кўринишидаги оғирлиги 0,32 грамм бўлган ўткир хидли, ўсимликсимон модданинг таркибида “кариофиллен”, “каннабидиол” мавжуд бўлиб, келиб чиқишига кўра “гашиш” моддаси эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий божхона лаборатория экспертизаси бўлимининг 30.01.2024 йилдаги 36(24)-сонли эксперт хулосасига кўра, экспертизага тақдим этилган гугурт қутисининг ичига жойланган 1 дона пластина кўринишидаги оғирлиги 0,37 грамм бўлган ўткир хидли, ўсимликсимон модданинг таркибида “кариофиллен”, “каннабидиол” мавжуд бўлиб, ушбу модда “гашиш” моддаси эканлиги кўрсатилган.

Иш бўйича Мирзамуратов Жўрабой Ахмадович ҳам судланган бўлиб, ишнинг унга оид қисми бўйича шикоят ёки протест билдирилмаганига кўра, муҳокама қилинмайди.

Шикоятда, биринчи инстанция суди иш ҳолатларини бир тарафлама кўриб чиққанлиги, иш бўйича М.Мирвахидовнинг шахсидаги жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга етарлича эътибор қаратилмаганига оид важлар билдирилиб, тайинланган жазони енгиллаштириш сўралган.



Судлов ҳайъати, иш бўйича судья О.Мухаммадиевнинг маърузасини, прокурор Р.Раджаповнинг ҳукми ўзгартиришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи М.Мирвахидов ва унинг ҳимоячиси – адвокат Б.Файзиевнинг шикоятдаги важларни қувватлаб, уларни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, ҳукми ўзгаришсиз қолдириб, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини судда кўришда ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган. Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида ЖПКнинг 95-моддаси тартибда баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи М.Мирвахидовнинг мазкур жиноятни содир этишдаги айби, биринчи инстанция судида сўралган гувоҳларнинг кўрсатувлари, судланувчи Ж.Мирзамуратовнинг кўрсатувлари, шунингдек ишдаги нарсани олиш, нарсани кўздан кечириш баённомалари ва дастлабки тушунтириш хатлари, суд кимёвий экспертиза хулосалари, суд наркологиya экспертизаси хулосаси хонадонни кўздан кечириш баённомаси ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди М.Мирвахидовнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 5-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Шикоятда жазони енгиллаштириш сўралган бўлсада, судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан судланувчининг шахси ва барча иш ҳолатлари ҳукм чиқаришда муҳокама қилинган деб топди.

Биринчи инстанция суди, М.Мирвахидовга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, айбловга қисман иқроп бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилали бўлиб, икки нафар фарзанди борлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖК 273-моддаси 5-қисми билан ушбу модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш, наркологиya маркази далолатномасига кўра, судланувчи М.Мирвахидов гиёҳвандликка (гашиш,героин) йўлиққанлиги ва мажбурий даволанишга мухтож эканлигидан келиб чиқиб, ЖК 96-моддасиган асосан жазони ўташ жойларида мажбурий даволаниш тиббий йўсиндаги мажбурулов чорасини қўллаш ҳақида тўғри хулосага келган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди ЖПК 211-моддасида белгиланган тартибда, гиёҳвандлик моддасини, баклашка, темирдан ясалган чекиш мосламаси, электрон тарозини йўқ қилиш, ДВД дискни жиноят иши ҳужжатларида қолдириш, телефон аппаратларини судланувчиларнинг яқин қариндошларига қайтариш ҳақида асосли хулосага келган.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497^{26,31}-моддаларига амал қилиб,
жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 03.07.2024 йилдаги
М.Мирвахидов ва бошқаларга оид ҳукмининг **Мирвахидов Мирсобит
Мирсолихович**га нисбатан қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикояти қаноатлангандан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар тафтиш тартибида туман суди орқали
Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериш
ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо) М.Мирзохидов

Судлов ҳайъати судьялари: (имзо) Н.Касимова

(имзо) О.Мухаммадиев

Ажрим нусхаси аслига тўғри: _____

